

Ўз замонасининг ҳофизи бўлган улуғ зот



10:55 / 21.03.2021 1862

Ҳофиз, имом, мусанниф Абу Саъд Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Идрис Идрисий Истиробозий. Самарқанд муҳаддиси бўлганлар. «Тарихи Самарқанд», «Тарихи Истиробоз» ва бошқа бир неча асарларнинг муаллифи.

Абул Аббос Муҳаммад ибн Яъқуб Асом (бу киши энг катта шайхларидан), Абу Нуаъйм Муҳаммад ибн Ҳаммувайҳ Истиробозий, Абу Саҳл Ҳорун ибн Аҳмад ибн Ҳорун, Абу Аҳмад ибн Адий ва бошқа кўп шайхлардан ҳадис эшитганлар. Шайхлари ва ҳадисларнинг боблари ҳақида китоб тасниф этганлар.

Бу кишидан Абу Али Шоший, Абу Абдуллоҳ Хаббозий, Абу Масъуд Аҳмад ибн Муҳаммад Бажалий, қози Абул Ало Муҳаммад ибн Али Воситий, Абу Саъд Муҳаммад ибн Абдурраҳмон Канжарузий ва бошқа кўплар ҳадис

ривоят қилганлар.

Хатиб Бағдодий: «Идрисий – сиқа», – деганлар.

Бағдодда ҳам ҳадис ривоят қилганлар.

405 йили 80 ёшда Самарқандда вафот этганлар.

Ўз замоналарида Самарқанд ҳофизи бўлганлар.

Бизга Аҳмад ибн Ҳибатуллоҳ, у кишига Абдул Муъиз ибн Муҳаммад, у кишига Абул Қосим Мустамлий, у кишига Абу Саъд Табиб, у кишига Абдуррахмон ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ҳажга келган пайтларида хабар берганлар. У кишига Самарқандда Юсуф ибн Муҳаммад, у кишига Қосим ибн Ҳанбал Сарахсий, у кишига Исҳоқ ибн Исмоил Самарқандий, у кишига Маъруф ибн Ҳассон Самарқандий Ибн Абу Зиибдан, у киши Нофеъдан, у киши Ибн Умардан ҳадис айтиб берганлар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

راهن الله مئاص لي لئلا مئاق حأك هل ناك تتب ن ح ح ش ي بر ن م
رهه ه ل ل ل ل ي ب س ي ف زاغ حأك و

«Ким бир дарахт экиб ўстирса, унга тун бўйи намоз ўқийдиган ва кун бўйи рўза тутадиган, бутун умрини Аллоҳ йўлидаги ғазот билан машғул қилганнинг савоби берилади», – дедилар».

Бу ноаниқ санад, матн ҳам нотўғри. Ибн Абу Зиибнинг ҳадислари қабул қилинмайди.

«Машҳур даҳолар сийрати» китобидан